

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил декабрь ойининг 13 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Учтепа туман суди, Учтепа тумани “Катта чўпонота” МФЙ биносидан, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи – туман судининг судьяси Ж.Одилов, судья ёрдамчиси Ш.Зоировнинг котиблигида, давлат айбловчиси Учтепа туман прокурорининг ўринбосари Э.Назруллаев, судланувчи Г.Сатимова ва унинг ҳимоячиси, адвокат С.Самиковнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 2-қисми билан айбланган:

1981 йил 23 март куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, “АГММ Киму” БСКда иш бошқарувчи, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани 12-мавзеси, 14-уй, 1-хонадонда яшайди, иш бўйича “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 31 ноябрь куни олган **Сатимова Гузал Атамирзаевна** (Satimova Guzal Atamirzaevna)га оид 1-1007-2303/688-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Фуқаро Исоқова Хилола Даврон қизининг ИИОга берган аризасига асосан Тошкент шаҳар Учтепа тумани ИИО ФМБ ЖКБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир жараёнида, 2023 йил 23 сентябрь куни Сатимова Гузал Атамирзаевна Учтепа тумани, 11-мавзеси, 2-уй, 53-хонадонда Исоқова Хилола Даврон қизи ва Эргашев Достон Рустам ўғлининг жинсий алоқа қилишга шарт-шароит яратиб бериб, бунинг эвазига Д.Эргашевдан 400.000 сўм миқдоридаги пулларни олган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан ушланган.

Суд мажлисида **судланувчи Г.Сатимова**, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳозирги кунда чет мамлакатда бўлган синглизининг Учтепа тумани, 11-мавзеси, 2-уй 53-хонадонига вилоятдан келган одамларни ижарага қўйиб келганлигини, 2023 йил 23 сентябрь куни унга Достон исмли йигит қўнғироқ қилиб уйни ижарага сўраганлигини, ундан телефон рақамини қаердан олганлигини сўраганида, у бир танишидан олганлигини айтганлигини, шундан сўнг Достон исмли йигит



ўзининг бир қиз бола таниши борлигини ва ўша қиз билан бирга дам олишини ва тунги соат 00:00 гача чиқиб кетишини айтганлигини, шундан сўнг у рози бўлиб, уй манзилини тушунтириб, қўшнилар шубхаланмаслиги учун алоҳида-алоҳида киришини тушунтирганлигини, сўнг у билан уй олдида учрашиб, хонадонда қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар қилмаслиги тўғрисида тилхат ёздириб олиб, хонадонда Достонни қолдириб чиқиб кетганлигини, хонадондан чиқиши билан Достон айтган қиз кириб кетганлигини, орадан бироз вақт ўтиб Достон кўнғироқ қилиб, газни ёқолмаётганлигини айтиб чақирганлигини, хонадонга қайтиб чиқиб, эшикни таққиллатган пайтида ортидан бир нечта кишилар келишиб, гувоҳномаларини кўрсатиб ўзларини ИИО ходимлари эканлигини айтишганлигини, кейин улар билан уй ичига киришганлигини, ИИО ходимлари ундан Достон исмли болага жинсий алоқа қилиши учун шароит яратиб берганлиги учун олган 400.000 сўм миқдордаги пулларни ўз хоҳиши билан тақдим қилишини айтишганлигини, шундан сўнг у Достондан жинсий алоқа қилиши учун шароит яратиб берганлиги эвазига олган 2 дона 100.000 сўмлик ва 1 дона 200.000 сўмлик купюрадаги умумий 400.000 сўм миқдордаги пулларни тақдим қилганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, қилган ишидан ўзи уялиб юрганлигини, солиқ идорасидан 51 млн. сўм қарздорлиги борлиги ва моддий аҳволи оғирлашиб қолгани учун уйни ижарага бериб тирикчилик қилиб турганлигини, олдин бундай ишлар билан шуғулланмаганлигини, оилавий шароити оқибатида шу ишни билиб билмай қилиб қўйганлигини, 2 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини инobatга олиб, енгиллик беришни сўради.

Г.Сатимованинг содир этган қилмиши, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, судда текширилиб, ҳуқуқий баҳо берилган қўйидаги:

суд мажлисида сўралган **гувоҳ Х.Исоқованинг**, 2023 йилнинг сентябрь ойида Учтепа тумани 11-мавзе 2-уй 53-хонадонда Гузал исмли аёл фуқароларга жинсий алоқа қилиши учун шароит яратиб бераётганлигидан хабар топиб, маҳалла профилактика инспекторига айтганлигини, шундан сўнг унинг розилиги билан тадбир ўтказилганлигини, тадбирга у билан яна бир Достон исмли йигит жалб қилинганлигини, 2023 йил 23 сентябрь куни соат тахминан 16:00 ларда уларга ИИО ходимлари Гузал опанинг телефон рақамини беришганлигини, шундан сўнг Достон Гузал опага кўнғироқ қилиб, бир таниш қиз борлигини, у билан жинсий алоқа қилиш маъносида “бу қиз билан бирга дам олмоқчиман” деб айтиб, вақтинчалик ижарага хонадон кераклигини сўраганлигини, Гузал опа



хонадон борлигини, ижара пули 400.000 сўм бўлишини айтиб хонадоннинг манзилини тушунтириб, ўша ерда кўришиб олишини ва кўшнилар шубхаланмаслиги учун Достонга ўзи алоҳида қиз алоҳида хонадонга киришини айтганлигини, шундан сўнг Достон билан айтилган манзилга боришганлигини, у пастда қолганлигини, Достон эса 53-хонадонга чиқиб кетганлигини, орадан бироз вақт ўтиб Гузал опа келиб подъездга кириб кетиб, 10 дақиқадан сўнг қайтиб чиққанлигини, уни кўриб бу ерда турмасдан 3-қаватга чиқишини ва кўшнилар кўрмаслигини айтиб кетганлигини, у хонадонга кирганидан кейин, бироздан сўнг Гузал опа ортидан кирганлигини, Достонга тилхат ёздириб олганлигини ва устиларидан хонадонни қуфлаб кетганлигини, шундан сўнг Достон бироздан сўнг Гузал опага қўнғироқ қилиб хонадондаги газ плитасини ишлата олмаётганлигини ва қайтиб келиб газни ёқиб беришини айтганлигини, бироз вақтдан кейин ИИО ходимлари ва Гузал опа кириб келишганлигини, кейин ИИО ходимлари Гузал опадан у билан Достоннинг жинсий алоқа қилишлари учун хонадонда шароит яратиб берганлиги учун олган 400.000 сўм пулларни расмийлаштириб олишганлигини, уни ушбу тадбирни ўтказишга ҳеч ким мажбурламаганлиги, ўзи ҳохиши билан розилик билдирганлиги ҳақидаги;

суд мажлисида сўралган **гуюҳ С.Юлдошевнинг**, 2023 йил

23 сентябрь куни Исоқова Хилола Даврон қизининг аризага асосан ўтказилган тадбирда ҳолис бўлиб қатнашганлигини, ҳолат бўйича Сатимова Гузал Атамирзаевна Учтепа тумани, 11-мавзеси, 2-уй,

53-хонадонда Исоқова Хилола Даврон қизи ва Эргашев Достон Рустам ўғлининг жинсий алоқа қилишга шарт-шароит яратиб бериб, бунинг эвазига Д.Эргашевдан 400.000 сўм миқдоридаги пулларни олганлигини тасдиқлаши ҳақидаги;

жиноят ишидаги Х.Исоқованинг Учтепа тумани ИИО ФМБ бошлиғи номига ёзган аризаси (и.в 2), пул тақдим этиш ҳақида баённома (и.в 7), нарсани олиш баённомаси (и.в 8-10), Д.Эргашев билан Г.Сатимованинг ўртасидаги юзлаштириш баённомаси (и.в 43-46), нарсани кўздан кечириш баённомаси (и.в 47-49), ашъвий далил деб таниш ҳақидаги қарор (и.в 50), нарсани олиш ва кўздан кечириш тўғрисида баённома (и.в 55-62), ўз айбига иқрорлик аризаси (и.в 65) ҳамда жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топган.

Суд, судланувчи Г.Сатимованинг жинсий ҳаракатлари юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 2-қисми билан тўғри малакаланган деб топади.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил

23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 28-бандидаги, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусияти, содир этилган қилмишнинг сабаблари, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақидаги, 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1, 3-бандларидаги судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклигилigi ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Суд, судланувчи Г.Сатимовага нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, қонун ва қайд этилган Пленум қароридаги тушунтиришларга риоя қилиб, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишдан пушаймонлигини, аёл киши эканлигини, оилавий шароити ва моддий имконияти оғирлигини, 2 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, паст ниятларда жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, унинг ҳаракати квалификация қилинган модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазосини тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шунингдек суд, ашёвий далил деб топилган 400 000 сўм пуллар Х.Исоқовага тилхат асосида қайтарилганлигини инобатга олишни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473 моддаларига амал қилиб, суд

Х У К М Қ И Л Д И:

Сатимова Гузал Атамирзаевна (Satimova Guzal Atamirzaevna) Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг



2-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Г.Сатимовага Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг

2-қисми билан яшаш жойидан соат 22:00 дан 06:00га қадар чиқиши чекланган ҳолда **1 (бир) йил** озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Г.Сатимовага тайинланган жазо уни яшаш жойи бўйича, яъни Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 12-мавзеси, 14-уй, 1-хонадонда ўтаттирилсин ва унга қуйидаги чекловлар ўрнатилсин:

-оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;

-маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик.

Озодликни чеклаш жазосининг муддати жазони ижро этиш инспекциясига ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижросини назорат қилиш Г.Сатимованинг яшаш жойидаги Тошкент шаҳар Учтепа тумани ИИО ФМБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

Г.Сатимовага нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Дастлабки тергов жараёнида 400 000 сўм пуллар Х.Исоқовага тилхат асосида қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Г.Сатимовага жазони ўташ даврида, унга белгиланган чекланишларни бузган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддасининг 6-қисмида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи
Ж.Одилов



Маъсул судья: Одилов Жаҳонгир Шухратович



Ҳужжат имзоланган: Одилов Жаҳонгир Шухратович, 23.12.2023

